

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЗИМОВ САРДОРБЕК ИЛХОМОВИЧ

**СИЛ КАСАЛЛИГИГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА УРОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАР КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ТАВСИФИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология;
14.00.31 – Урология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Азимов Сардорбек Илхомович

Сил касаллигига чалинган беморларда урологик касалликлар клиник-
иммунологик тавсифи 3

Азимов Сардорбек Илхомович

Клинико-иммунологическая характеристика урологических заболеваний у
больных туберкулезом 23

Azimov Sardorbek Ilkhomovich

Clinical-immunological description of urological diseases in patients with
tuberculosis 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 46

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЗИМОВ САРДОРБЕК ИЛХОМОВИЧ

**СИЛ КАСАЛЛИГИГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА УРОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАР КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ТАВСИФИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология;
14.00.31 – Урология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib1001 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар

Хамдамов Бахтиёр Зарифович
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Рашидов Зафар Раҳматуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Мусаходжаева Дилором Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Зубань Олег Николаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ кунин соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунин тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда урологик касалликларнинг аҳоли саломатлиги ҳолати, қолаверса улар организми иммун тизими фаолиятига салбий таъсирининг оқибатларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, "... сўнгги йилларда дунёда сийдик тош касалликлари тарқалиши ҳар йили 1 млн. аҳолига 1500-2000 ҳолатга кўпайиб, 4,5-12,0% га етди..."¹ ва баъзи прогнозларга кўра яқин келажакда бундай беморлар сони 2 бараварга кўпайиши мумкин. Шу билан бирга, урологик касалликлар орасида сийдик йўли инфекцияси ва простата беzi гиперплазияси ҳам етакчи ўринларни эгаллайди. "...Сўнгги йилларда ушбу касалликларнинг ривожланишидаги кўпайиш частотаси ҳаётдаги ижтимоий, маиший ва атроф-муҳит шароитларининг ўзгариши, аҳолининг урбанизацияси, гиподинамия, озик-овқат сифати ва тузилишидаги ўзгаришлар ва бошқа хавф омиллари билан боғлиқ"². Шунингдек, урологик касалликларнинг организм иммун реактивлигига салбий таъсири асосий касаллик – сил касаллигининг кечишига салбий таъсир кўрсатиши ҳам эътиборлидир.

Сайёрамизда мултиморбидлик билан оғриган одамларнинг улуши тобора кўпаймоқда. Сил каби сурункали юқумли касалликларга чалинган одамларда юқумли бўлмаган касалликларнинг ривожланиши характерлидир. Юқумли бўлмаган касалликлар сонининг тез суръатларда ўсиб бориши энг кўп паст ва ўрта даромадли мамлакатларда қайд этилган. Бу ҳолат аҳолининг қариши, тезкор урбанизация, атроф-муҳит омиллари, турмуш тарзидаги ўзгаришлар, организм резистентлик омилларининг заифлашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Урологик касалликлар ҳақиқий тарқалишинининг аниқланиши яширин урологик деб аталган касалликни баҳолашни талаб қилади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун тиббий ёрдамга мурожаат қилиш тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишдан кўра, аҳолини аниқ йўналтирилган кўриқдан ўтказиш анча кўпроқ маълумот беради. Бунинг сабаби, мурожаат қилиш, инфратузилма ва тиббий ёрдамнинг ривожланганлиги, унинг мақбуллиги, умумий ва тиббий маданият, аҳолининг ўзининг тиббий фаоллигига таъсир қиладиган одатлари, урф-одатлари ва менталитети каби кўплаб омилларга боғлиқ.

Мамлакатимизда шаклланган иқлим ва атроф-муҳит шароитлари туфайли Бухоро вилояти урологик касаллик, хусусан сийдик тош касаллиги кўрсаткичлари бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Сийдик тош хасталиги билан касалланиш 2016-2017 йилларда республика бўйича 100 минг аҳолига ўртача 60 та тўғри келган бир пайтда Бухоро вилоятида йилига 100 минг аҳолига 147-155 ҳолатни ташкил этган. Айниқса, қурғоқчил ҳудудда жойлашган Бухоро вилояти каби минтақаларда сил касаллиги билан

¹World Health Organization. Urolithiasis: fact sheet no. 153. World Health Organization website. 2014. www.who.int/iris/handle/10635/242879

²Riedi AK, Knubben-Schweizer G, Meylan M. Clinical findings and diagnostic procedures in 270 small ruminants with obstructive urolithiasis // J Vet Intern Med. – 2018. - Apr 16. P. 1274-1282

оғриган беморларда урологик касалликлар тарқалиши, улар фониди иммун тизим ҳолатига баҳо бериш катта аҳамиятга эга. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида “... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...”³ вазифалари белгиланган.

Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли Қарори, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сил касаллиги, шу жумладан ўпка сил касаллигининг клиникаси ва уни даволаш самарадорлиги, асосан ўзига хос жараёни оғирлаштирадиган ва уни даволашни мураккаблаштирадиган мултиморбидлик мавжудлиги билан белгиланади. Ўпка сил касаллиги билан оғриган беморларда мултиморбидликнинг частотаси 80% дан 100% гача оралиқда бўлади. Сил касаллиги кечишида сурункали вирусли ва алкоғолли гепатит, ошқозон яраси касаллиги, қандли диабет касаллиги, шунингдек, химиотерапия жараёнида ноўя реакцияларнинг таъсири тўлиқ ўрганилган (Аминев Х.К. ва ҳаммуал., 2017; Сейтбаев Ы. ва ҳаммуал., 2015; Ташпулатова Ф.К., Мухтаров Д.З., 2016).

Зангиева З.А. ва ҳаммуал. (2014) тадқиқотларида, репродуктив ёшдаги аёлларда силга йўлдош урологик касалликлар билан касалланиш 77,3% ни ташкил этди. Сил касаллиги бўлган аёлларда урологик касалликлар учун хавфли омиллар қуйидагилар эди: аёл жинсий соҳаларининг сурункали яллиғланиш касалликлари; жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар; ҳайз кўриш функциясининг бузилиши; аёллар жинсий гормонлари мувозанати бузилиши. Сил касаллиги билан оғриган беморларда сийдик чиқариш тизими органларининг сурункали яллиғланиш касалликлари (пиелонефритлар, циститлар) 51,9% ҳолларда аниқланган.

Муаззамов Б.Р. (2009) томонидан ўтказилган тадқиқотда Бухоро вилоятида сил касаллиги бўйича эпидемиологик кўрсаткичларнинг минтақанинг иқлим-географик хусусиятларига боғлиқлигини ўрнатилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Қурғоқчил худудда сил касаллигининг эпидемиологик кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган янада кўпроқ ноқулай шароитлар вужудга келиши исботланган.

Шадманов М.А. (2018) томонидан олиб борилган тадқиқотда Ўзбекистонда ОИВ билан касалланган беморлар орасида СЙИ тарқалиши даражаси 41,2% ни ташкил этган. ОИВ билан касалланган беморларда ҳам, ОИВ билан асоратланмаган СЙИ бўлган беморлардаги каби СЙИнинг сабаби грамманфий микрофлора эканлиги аниқланган.

Ўзбекистонда урологик касалликни ўрганишдаги муваффақиятга қарамай (Арустамов Д.Л. ва ҳаммуал., 2003; Нуруллаев Р.Б., 2004; Акилов Ф.А. ва ҳаммуал., 2012; Худайбергенов У.А., 2018), сил касаллиги билан оғриган беморларда урологик касалликларнинг тарқалиши деярли ўрганилмай қолмоқда. Айниқса, сил касаллиги турли урологик касалликлар билан бирга кечганда беморлар иммун тизими ҳужайравий ва гуморал бўғинларидаги ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги, ривожланган иккиламчи иммунодефицитнинг иммунокоррекцияси хал қилиниши зарур бўлган тиббий муаммолардан биридир.

Урологик касалликларни, шу жумладан сил касаллиги билан оғриган беморларда даволаш ва профилактика қилишнинг мавжуд шакллари ва усулларини такомиллаштириш, янги ва самарали усулларини, шу жумладан иммунокоррегик терапияни қўллашни тадқиқ этиш, шу жумладан Бухоро вилояти каби ўзига хос қуруқ иқлимли экологик минтақаларда ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни камайтириш зарурати туфайли алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2019.PhD.042) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш” (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сил касаллиги билан биргаликда келган беморларда урологик касалликларнинг клиник-иммунологик тавсифини баҳолаш ва урологик ёрдам кўрсатиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сил касаллигига чалинган беморларда аҳамиятли йўлдош урологик касалликлар (сийдик тош касаллиги, сийдик йўллари инфекцияси, простата безининг хавфсиз гиперплазияси) тарқалиш даражасини аниқлаш;

сил касаллиги урологик касалликлар билан кечган беморлар иммун тизимининг ҳужайравий бўғини ҳолатини аниқлаш ва баҳолаш баробарида ушбу кўрсаткичларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш;

сил касаллиги урологик патология фонида кечувчи беморлар иммун тизими гуморал бўғини ҳамда цитокин ҳолатини баҳолаш, урологик касалликларнинг иммун тизими иммунокомпетент ҳужайралари миқдорий кўрсаткичларига таъсир даражасини баҳолаш;

сил касаллиги билан оғриган беморларда сийдик тош касаллиги, сийдик йўллари инфекцияси, простата безининг хавфсиз гиперплазиясини даволаш ва олдини олиш тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Бухоро вилояти ўрганиш учун тасодифий саралаш усули билан танланган сил касаллиги билан касалланган 936 нафар бемор.

Тадқиқотнинг предмети урологик касалликларга чалинган беморлар (буйраклар, сийдик пуфаги, простата беzi, ташқи жинсий аъзолар) ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун универсал урологик саволнома, клиник-иммунологик лаборатория, инструментал тадқиқотлар ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сил касаллиги урологик касалликлар билан кечган беморлар иккиламчи иммунодефицит чуқурлиги CD3+ ва CD4+-хужайралар нисбий ҳамда мутлоқ миқдорларидаги камайиши, ушбу беморлар иммун тизимидаги ўзгаришлар иммун тизими Т-бўғинининг чуқур тотал иккиламчи иммунодефицити билан тавсифланган;

илк бор ўпка сили урологик касалликлар бирга келганда иммун тизимнинг В-бўғинига (гуморал иммунитет) таъсир бўйича урологик касалликлар ўпка силига оғирлаштирувчи омил эмаслиги исботланган, яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар концентрациясининг беморлар қон зардобида ишонарли ошиши яллиғланиш жараёнининг кучайиб бораётгани ҳамда ўпка сили кечишини оғирлаштирувчи омил эканлиги исботлаб берилган;

яллиғланиш жараёнининг фаол босқичида антибактериал воситалар билан биргаликда қўлловчи антирецидив терапия сифатида ҳам фитопрепарат, сийдик тош касаллиги ва сийдик йўли ноанъанавий инфекциясида сил касаллиги билан оғриган беморларда даволаш ва профилактик тадбирлар комплексидан фойдаланиш, сил касаллиги билан оғриган беморларда ушбу касалликларни даволашда самарали усулнинг варианти сифатида ишлаб чиқилган;

сил касаллигига чалинган беморларда йўлдош урологик касалликлардан сийдик тош касаллиги, сийдик йўли инфекцияси, простата безининг хавфсиз гиперплазияси тарқалиши ва уларнинг сил касаллиги кечишига салбий таъсири даражаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сил касаллиги билан оғриган беморларда универсал урологик саволноманинг сил касаллиги билан оғриган беморларда урологик касалликлар тарқалишини аниқлашда юқори информативлиги кўрсатиб берилган, “Сил касаллиги бўлган беморларда урологик патологияни кузатиш учун тест майдончасидан фойдаланиш” электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур ишлаб чиқилган;

ўпка сили ва урологик касалликлар бирга келганда Т-бўғиндаги дефицитни ҳаққоний баҳоловчи ИРИ кўрсаткичи иккиламчи иммунодефицит ривожланганлигини кўрсатган, шунингдек ИРИ Т-бўғиндаги иккиламчи иммунодефицит ривожланганлигини баҳоловчи иммунологик маркёр сифатида тавсиф этилган;

ПСЙС/ПБХГ бўлган сил касаллиги билан оғриган беморларда 3 ой давомида кунига бир марта 0,4 мг тамсулозин қабул қилиш ва ўзини тутиш-кутиш тактикасини қўллаш аломатларнинг яққоллигини, тунги сийиш частотасини камайтириши мумкинлиги, катта ёш гуруҳидаги сил касаллиги билан оғриган беморларда сийиш сифатини яхшилаши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида назарий ёндашув ва усулларнинг тўғри қўлланиши, олиб борилган текширувларнинг аниқлиги, материалларнинг етарли бўлганлиги, тадқиқот усулларининг замонавийлиги, улар клиник, иммунологик, гемодинамик, гемотологик, ускунавий, биокимёвий ва статистик маълумотларга асосланиб бир-бирини тўлдириши, олинган маълумотларнинг хорижий ва ватандош тадқиқотчилар олган маълумотлар билан таққосланиши, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланишига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, сил касаллиги урологик касалликлар билан кечган беморлар иккиламчи иммунодефицит чуқурлиги CD3+- ва CD4+-хужайралар миқдорлари ҳисобига бўлиши, Т-бўғиннинг чуқур тотал иккиламчи иммунодефицити билан тавсифланганлиги, В-бўғинга таъсир бўйича урологик касалликлар ўпка силига оғирлаштирувчи омил эмаслиги исботланганлиги, цитокинлар концентрациясининг беморлар қон зардобида ишонарли ошиши ўпка сили кечишини оғирлаштирувчи омил эканлиги исботлаб берилганлиги, фитопрепарат сийдик тош касаллиги ва сийдик йўли ноанъанавий инфекциясида сил касаллиги билан оғриган беморларда даволаш ва профилактик тадбирлар комплексидан фойдаланиш, сил касаллиги билан оғриган беморларда ушбу касалликларни даволашда самарали усулнинг варианты сифатида ишлаб чиқилганлиги, сил касаллигига чалинган беморларда йўлдош урологик касалликлардан сийдик тош касаллиги, сийдик йўли инфекцияси, простата безининг хавфсиз гиперплазияси тарқалиши ва уларнинг сил касаллиги кечишига салбий таъсири даражаси аниқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, сил касаллиги билан оғриган беморларда урологик патологиянинг тузилиши бўйича аниқланган маълумотлар энг кенг тарқалган урологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун профилактика тадбирларини ўтказишни талаб қиладиган шахслар гуруҳини аниқлашга имкон берган. Сил касаллиги билан оғриган беморларда энг кенг тарқалган урологик касалликларни даволаш ва профилактика тадбирларини амалиётга жорий этиш ушбу касалликларни даволаш ва олдини олишнинг самарали ва нисбатан арзон усулларида фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сил касаллигига чалинган беморларда урологик касалликлар клиник-иммунологик тавсифи бўйича илмий натижалар асосида:

сил касаллиги урологик касалликлар билан келганда даволаш тактикасини аниқлаш имконини берувчи “Сил касаллиги билан оғриган беморларда простата безининг зарарсиз гиперплазиясининг даволаш ва профилактик тактикаси” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 04.02.2021 й., 8н-р / 97-сон билан тасдиқланган хулоса). Ушбу услубий тавсиянома сил касаллиги билан оғриган беморларда простата безининг зарарсиз гиперплазиясининг даволаш ва профилактик тактикасини ишлаб чиқиш имконини берган;

сил касаллигига чалинган беморларда урологик касалликлар клиник-иммунологик тавсифи бўйича илмий натижалар амалий соғлиқни сақлашга, жумладан Бухоро вилояти фтизиатрия ва пулмонология маркази, Навоий вилояти фтизиатрия ва пулмонология маркази, Қашқадарё вилояти фтизиатрия ва пулмонология маркази амалиётига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган илмий-тадқиқот иши долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида “Сил касаллиги билан оғриган беморларда йўлдош урологик касалликларнинг клиник аҳамияти” маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари асосида ушбу муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Дунё ва Ўзбекистоннинг турли минтақаларида энг аҳамиятли урологик касалликларнинг тарқалиши, сил

касаллигида мултиморбидликнинг тарқалиши ва унга қўшилиб келадиган урологик патологиянинг аҳамияти, ушбу беморлар иммун статусини баҳолаш натижалари бўйича маълумотлар келтирилган. Охирида бобнинг қисқача хулосаси келтирилган бўлиб, унда эътибор кейинги ўрганишни талаб қиладиган масалаларга қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Клиник материалнинг ва тадқиқот усуллари**нинг умумий хусусиятлари” батафсил баён этилган бўлиб, тадқиқот босқичлари, клиник материал ва тадқиқот усуллари тасвирланган.

Ушбу тадқиқот 2019-2020 йиллар давомида Бухоро вилоятидаги силга қарши муассасаларда рўйхатдан ўтган ва даволанган турли хил шаллардаги сил касаллигига чалинган 936 нафар беморнинг клиник маълумотларини ўрганиш ва УКАС саволномасидан фойдаланган ҳолда ихтиёрий саралашга асосланган. Беморларнинг ёши 18 дан 97 ёшгача (ўртача $52,3 \pm 0,6$ ёш).

Текширилганлар орасида барча ёш гуруҳлари мавжуд, беморларнинг аксарияти меҳнатга лаёқатли ёшда (61 ёшгача) - 585 (62,5%). Ҳар учинчи бемор кекса ва қари ёшда бўлган - 37,5%. 447 эркак (47,8%) ва 489 аёл (52,2%) бўлган. Инфилтратив ўпка сил касаллиги 351 (37,5%), фиброз-каверноз ўпка сил касаллиги - 34 (3,6%), ўчоқли ўпка сил касаллиги - 28 (3,0%), тарқалган ўпка сил касаллиги - 27 (2,9%), цирротик ўпка сил касаллиги - 25 (2,3%), ўпка туберкулёмаси - 21 (2,2%), сил касаллиги плеврити - 24 (2,6%), кўкрак ичи лимфа тугунлари сил касаллиги - 60 (6,4%), суяк-бўғин сил касаллиги - 197 (21,0%), СТС - 164 (17,5%), периферик лимфа тугунлари сил касаллиги - 3 (0,3%), кўз сил касаллиги - 1 (0,1%), абдоминал сил касаллиги - 1 (0,1%) нафар беморда кузатилган. СТС билан оғриган беморлар гуруҳи сийдик йўллари сил касаллиги - 146 (89,0%), жинсий аъзолар сил касаллиги - 13 (8,0%), сийдик йўллари ва жинсий аъзолар сил касаллиги бирикмаси - 5 (3,0%) нафар бемордан иборат.

Шуни таъкидлаш керакки, жинсий аъзолар сил касаллигининг буйрак сил касаллиги билан бирикмаси, буйрак сил касаллиги ва простата беши сил касаллиги шаклида кузатилган. Сийдик чиқариш йўллари

нинг сил касаллиги, буйракнинг сил касаллиги папиллити - 91 (55,5%), каверноз сил касаллиги - 5 (3,0%), поликарверноз сил - 7 (4,3%), паранефрит билан асоратланган сил касаллиги нефроциррози - 1 (0,6%), буйрак сил касаллигининг сил касаллиги уретерити билан бирикмаси - 6 (3,6%) ва буйрак сил касаллигининг сил касаллиги цистити билан бирикмаси - 36 нафар (21,9%) бўлган беморлардан иборат бўлган. Жинсий сил касаллиги билан оғриган беморларнинг кичик гуруҳи сил касаллиги простатити - 2 (1,2%), сил касаллиги орхоэпидидимити - 9 (5,5%) ва аёллар жинсий аъзолари сил касаллиги - 2 (1,2%) ҳолатларидан иборат бўлган.

Балғам ва бошқа биологик суяқликларда СМБнинг чиқарилиши (сийдик, яралардан йирингли оқинди) ўпка сил касаллиги билан оғриган 262 (28,0%) беморда ва ўпкадан ташқари сил билан касалланган 13 (1,4%) беморларда кузатилган. Умуман олганда, СМБ ажралиши сил касаллиги билан касалланган 936 беморнинг 275 (29,4%) нафарида аниқланган.

35 нафар беморга таносил тизим аъзоларида жарроҳлик даволаш ўтказилган: нефруретерэктомия - 5 (14,3%), эпидидимэктомия - 8 (22,8%), орхидэктомия - 1 (2,8%), уретеролитотомия - 1 (2,8%), нефропексия 1 (2,8%), эпицистостомия - 2 (5,7%), ошқозон ярасини электрокоагуляция қилган ҳолда сийдик пуфагини қайта кўриб чиқиш - 2 (5,7%), перкутан нефростомия (ПНС) - 4 (11,4%), перкутан цистостомия - 5 (14,3%), сийдик йўлини стентлаш - 2 (5,7%), сийдик йўлидаги реконструктив пластик жарроҳлик - 2 (5,7%), аёлларда уретра транспозицияси - 2 (5,7%) нафар беморда.

СС-Атеч-2018-539 “Энг кенг тарқалган урологик касалликларга чалинган беморларнинг электрон маълумотлар базасини яратишга ёндашувлар” давлат гранти доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий урология маркази (РИИАУТМ) ходимлари томонидан ишлаб чиқилган УКАС саволномасидан фойдаланилган. Сўровномада қуйи сийдик йўллари аломатлари, сийдик йўллари инфекцияси, сийдикни тута олмаслик, эркак жинсий соҳасининг патологияси бўйича саволлар ўзбек тилида берилган. Шунини таъкидлаш керакки, СТС билан оғриган беморларни, ҳисобга олинмаган шикоятларини аниқлаш ва йўлдош урологик патологияни аниқлаш мақсадида атайлаб текширувга киритилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Тадқиқот натижаларига кўра турли хил сўров усуллари
информативлиги, %**

Диагностика усулининг ишончлилиги даражаси кўрсаткичлари	Касаллик аломатларини аниқлаш учун беморларни сўров қилиш усуллари	
	анъанавий сўров усули	урологик саволномадан фойдаланган ҳолда сўров
Сезгирлик	64,0	93,0
Махсуслик	93,0	92,0
Аниқлик	82,3	92,6

Носпецифик СЙИ диагнози қўйилиши учун қуйидаги мезонлар асос бўлган: саволнома бўйича аниқланадиган СЙИ аломатларининг мавжудлиги; сийдик микроскопияси билан аниқланадиган лейкоцитурия ва ноъананавий бактериурия, ноъананавий флорага сийдикни бактериал экиш натижалари, СТС учун сийдикни салбий тестлари.

ПБХГ диагностикасини ўтказишда қуйидаги усуллардан фойдаланилган: простата касалликлари аломатларини баҳолаш халқаро тизими (IPSS) анкетасида берилган саволларни ҳисобга олган ҳолда респондентларнинг УКАС саволномаси бўйича сўрови; физик текширув; қолдиқ сийдик борлигини баҳолаш ва простата ҳажмини аниқлаш билан буйрақлар, сийдик йўллари ва простата ултратовуш текшируви; сийдикнинг ўртача оқим тезлигини аниқланган. Сийдик чиқариш бузилиши аломатларининг намоён бўлиш даражаси умумий балл 7 дан ошмаган ҳолда енгил деб топилган; 8 дан 19 гача ўртача ва 20 дан 35 гача оғир деб ҳисобланган.

Таносил сил касаллигини (СТС) аниқлаш учун сил касаллиги микобактерияси бўйича клиник-рентгенологик, экографик ва микробиологик маълумотлар асос бўлган.

Урологик саволнома ёрдамида сўралганда қуйидаги тест натижалари олинган: сезгирлик - 93,0%, ўзига хослик - 92,0%, NPV - 96,0%, PPV - 87,0%, аниқлик - 92,6%. Анъанавий сўровда қуйидаги тест натижалари олинган: сезгирлик - 64,0%, ўзига хослик - 93,0%, салбий прогноз қийматлари (NPV) - 82,0%, ижобий прогноз қийматлари (PPV) - 83,0%, аниқлик - 82,3%.

Урологик скрининг саволномасини дастлабки синовдан ўтказиш натижасида у юқори даражада маълумотга эга эканлиги ва сил касаллиги билан оғриган беморларда касалликларнинг урологик аломатларини аниқлаш имконини бериши маълум бўлган.

Сил касаллигининг турли шакллари билан касалланган 936 нафар беморнинг дастлабки синовлари ва текширувлари 332 нафар беморда урологик патологияни аниқлашга имкон берган (35,5%). Энг кенг тарқалган урологик патология носпецифик СЙИ бўлиб, у 332 нафар сил хасталиги билан касалланганларнинг 174 (52,4%) нафарида кузатилган. 162 (48,8%) беморда таносил сил касаллигининг турли шакллари, 88 (26,5%) беморда простата беги хавфсиз гиперплазияси (ПБХГ), 53 (15,9%) беморда сийдикни тута олмасликнинг турли шакллари, 28 (8,4%) - жинсий алоқа функцияси бузилиши, 18 (5,4%) - сийдик тош касаллиги, 6 (1,8%) - гидронефроз (уретерогидронефроз) ва 1 (0,3%) беморда - нефроптоз кузатилди. Бир нечта турдаги урологик патологиянинг комбинацияси 332 та сил касаллиги билан касалланганларнинг 42 (12,6%) нафарида кузатилган.

Кўпинча СТС билан оғриган беморлар гуруҳида турли хил йўлдош урологик патологиялар кузатилган ва уларнинг энг кўп учрайдиганлари - ноъанавий СЙИ - 129 (78,6%) нафаргача беморларда кузатилган. Бундан ташқари, ПБХГ 4 (2,4%), СТК - 3 (1,8%), СД - 18 (10,9%), сийдикни тута олмаслик - 22 (13,4%) ва нефроптоз - 1 (0,6%) беморда кузатилган. 6 нафар беморда гидронефроз (уретерогидронефроза) мавжудлиги сил уретерити касаллиги туфайли сийдик йўллариининг обструкцияси билан боғлиқ бўлган.

ПБХГ кўпинча 88 беморнинг 50 (56,8%) нафаригача инфилтратив ўпка сил касаллиги бўлган беморларда кузатилган.

Турли хил сил касаллиги билан касалланган 936 нафар беморлардан 53 (5,7%) нафарида сийдикни тута олмаслик кўпинча аёлларда 49 (92,5%) ва фақат 4 (7,5%) эркакларда ($p < 0,05$), шунингдек, катта ёшдаги аёллар гуруҳига (60 ёшдан катта ва ундан юқори) хос бўлган - 49 беморнинг 35 (71,4%) нафарида аниқланган. Беморларда сийдикни тута олмасликнинг турини таҳлил қилганда, сийдикни тута олмасликнинг стрессли тури 30 (56,6%) беморда ва ургент турини 23 (43,4%) беморда кузатилган.

СТС билан оғриган беморларга сийдикни тута олмасликнинг ургент тури хос бўлган – мос равишда кузатувларнинг 100% ҳолларида. Сийдикни тута олмасликнинг стрессли тури ўпка сил касаллиги билан оғриган беморларга хос бўлиб - 27 беморнинг 26 (96,3%) нафарида кузатилган. Сил

касаллигининг турли шаклларига эга бўлган эркаклар учун барча кузатув ҳолатларида сийдикни тута олмасликнинг ургенттури характерли бўлган.

Умуман олганда, силнинг турли шакллари билан касалланган 447 эркаклардан 28 (6,3%) нафарида қисмида CD кузатилган ва унинг таркибида СТС устунлик қилди, яъни - 28 бемордан 18 (64,3%) нафаригача кузатувлар. CD кўпинча 40 ёшдан ошган эркакларда учради - 28 беморнинг 20 (71,4%) нафарида.

Тадқиқот натижалари вариацион статистиканинг умумий қабул қилинган усуллари ёрдамида қайта ишланган. Тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурлар пакетидан фойдаланилган. Фарқлар ишончилиги Студент мезони ёрдамида аниқланган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Ўпка сили билан биргаликда келган урологик касалликлар клиник-иммунологик тавсифи”** кўрсатиб берилган.

Бунинг учун 320 нафар шахслар ўрганилган. Улар учта гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ - ўпка сили билан биргаликда урологик касалликлар ташҳисланган беморлар (n=117); таққослаш гуруҳи - ўпка сили ташҳисланган, аммо урологик касалликлар кузатилмаган беморлар (n=20); назорат гуруҳи - ўпка сили ва урологик касалликлар кузатилмаган соғлом шахслар (n=20).

Асосий гуруҳ ўз навбатида учта кичик гуруҳчага бўлинган: 1а гуруҳча - ўпка сили билан биргаликда учраган сийдик тош касаллиги (СТК) - n=18; 1б гуруҳча - ўпка сили билан биргаликда учраган сийдик тракти инфекцияси (СТИ) - n=54; 1в гуруҳча - ўпка сили билан биргаликда учраган простата беши хавфсиз гиперплазияси (ПБХТ) - n=45.

Турли урологик касалликлар олиниши уларнинг асосий касаллик - ўпка сили турлича таъсир қилиши, шунингдек, иммун тизими миқдорий кўрсаткичларининг турлича ўзгаришларидир.

Шу сабабли ушбу урологик касалликлардаги иммун тизим кўрсаткичларини ўрганиш ва баҳолаш қиёсий тарзда олиб борилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатганки, асосий гуруҳнинг барча кичик гуруҳчаларида лейкоцитлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан ишонарли пасайган (2-жадвал).

Ушбу беморларда лимфоцитлар умумий миқдори нисбий кўрсаткичлари таҳлил назорат ва асосий гуруҳлар орасида ишонарли тафовут йўқлигини кўрсатган ($P>0,09$), аммо шу параметрнинг мутлоқ миқдорлари бўйича ишонарли фарқлар кузатилган - мос равишда 1а гуруҳчада 1,28 мартага, 1б гуруҳчада 1,37 мартага ва 1в гуруҳчада 1,43 мартага камайиш кузатилган ($P<0,05$). Бу лейкоцитлар миқдорида мос равишда ўзгариш бўлганини кўрсатган. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳужайравий иммунитет параметрлари орасида энг кучли дефицит CD3+ҳужайраларда кузатилган - нисбий миқдорларда асосий гуруҳда пасайиш мос равишда 1,40, 1,45 ва 1,37 мартани ташкил этган ($P<0,001$). Худди шундай натижа CD3+ҳужайраларнинг мутлоқ миқдорлари бўйича ҳам кузатилган - камайиш мос равишда 1,97, 2,01

ва 2,00 мартани ташкил этган ($P < 0,001$). CD3+-хужайраларнинг нисбий ва мутлоқ миқдорларида ҳам бир хилда ишонарли пасайиш кузатилиши ($P < 0,05$ - $P < 0,001$). Ушбу иммунокомпетент хужайра асосий гуруҳ беморларида тотал иммунодефицитни кўрсатган.

2-жадвал

Ўпка сили урологик касалликлар билан биргаликда кечган беморлар иммун статуси кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ		
			СТК, n=18	ПБХТ, n=54	СЙИ, n=45
Лейкоцитлар	10 ⁹ /л	6500±185	4648±253*	47,38±234*	4064±228*
Лимфоцитлар	%	32,5±1,26	34,85±1,93	32,96±1,82	37,0±1,46*
	мкл	2112±83	1649±99*	1538±97*	1482±76*
CD3+хужайралар	%	59,5±1,16	42,38±1,67*	41,17±1,55*	43,45±1,62*
	мкл	1257±38	638±47*	626±46*	629±34*
CD4+хужайралар	%	36,0±1,05	31,63±1,12*	30,51±1,09*	33,54±1,10*
	мкл	760±32	448±37*	457±36*	483±23*
CD8+хужайралар	%	23,5±0,82	27,0±1,27*	24,0±1,03	24,36±0,63
	мкл	496±29	339±30*	376±29*	360±24*
ИРИ, бирлик		1,53±0,02	1,17±0,04*	1,27±0,04*	1,38±0,03*

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан ишончли ўзгаришлар белгиси ($P < 0,05$).

CD3+-хужайралар субпопуляциялари (CD4+ ва CD8+) ўрганилганда тотал Т-иммунодефицит сабаби айнан CD4+хужайралар эканлиги маълум бўлган, чунки уларнинг нисбий ва мутлоқ миқдорлари асосий гуруҳда назоратга нисбатан ишонарли равишда пасайган. Шунга мос CD8+-хужайралар нисбий миқдорларида гуруҳлараро тафовут яққол кузатилмаган. Иммун тизимнинг Т-бўғинида иккиламчи иммунодефицит ривожланганлигини билдирувчи маркер ИРИ бўлиб, 1,17±0,04, 1,27±0,04 ва 1,38±0,05 бирлик назорат гуруҳига нисбатан (1,53±0,02 бирлик) ишонарли даражада дефицит борлиги яққол намоён бўлган. Шунга ўхшаш иммун тизимнинг Т-бўғинидаги дефицит таққослаш гуруҳи билан қиёсий таҳлил ўтказилганда ҳам кузатилган.

Шундай қилиб, иммун тизимнинг Т-бўғинини тавсифловчи 10 та кўрсаткичдан 9 тасида (1а гуруҳча), ва 8 тасида (1б ва 1в гуруҳча) ишонарли равишдаги камайиш асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан кузатилган, иккиламчи иммунодефицит чуқурлиги айниқса CD3+ ва CD4+ хужайралар нисбий ҳамда мутлоқ миқдорларидаги камайиш билан тавсифланган. Т-бўғинидаги дефицитни ҳаққоний баҳоловчи ИРИ кўрсаткичи иккиламчи иммунодефицит ривожланганлигини кўрсатган, шунингдек ИРИ иммун тизимининг Т-бўғинидаги иккиламчи иммунодефицит ривожланганлигини баҳоловчи иммунологик маркер сифатида тавсиф этилган. Ўпка сили билан касалланиш урологик касалликлар қўшилиб келганда, бемор умумий ҳолати билан бир қаторда унинг иммун тизимида ўзгаришлар бўлиб, у асосан иммун тизими Т-бўғинининг чуқур тотал иккиламчи иммунодефицити билан тавсифланган.

Беморлар иммун тизимининг гуморал ёки В-бўғини ўрганилганда юқоридагига ўхшаш ишонарли натижалар кузатилмаган, асосий таққослаш ва назорат гуруҳларида кўрсаткичлар бир-бирига яқин бўлиб, рақамлар орасида ишонарли тафовут аниқланмаган ($P > 0,05$). Қон зардобидаги асосий иммуноглобулинлар (IgA, IgG, IgM) концентрацияси бўйича асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан бирмунча камайиш IgA ва IgG бўйича кузатилган ($P < 0,05$), аммо таққослаш гуруҳи билан қиёсланганда фарқ аниқланмаган ($P > 0,05$). Демак, ўпка силининг урологик касалликлар билан келишида иммун тизимнинг В-бўғинида (гуморал иммунитет) айтарли ўзгаришлар кузатилмаган, урологик касалликлар иммун тизимининг шу бўғинига салбий таъсир этмаганлиги исботланган.

Бу натижалардан фарқли равишда яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-10 ва TNF- α) миқдорлари кескин, ишонарли ошганлиги қайд этилган. Бу параметрлар бўйича асосий гуруҳ кўрсаткичлари назорат гуруҳи, қолаверса таққослаш гуруҳларидан ҳам ишонарли ошгани кўрсатиб берилган ($P < 0,05$ - $P < 0,01$). Демак, ўпка сили ташхисланган беморларда урологик касалликлар аниқланиши патологик жараёни чуқурлаштириш билан бирга яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар концентрациясининг ишонарли равишда кескин ошишига ҳам сабаб бўлганлиги исботланган.

Шундай қилиб, ўпка сили ва урологик касалликлар (СТК, ПБХГ, СТИ) бирга келганда иммун тизимнинг В-бўғинида (гуморал иммунитет) айтарли кескин ўзгаришлар кузатилмаган. CD20+хужайралар нисбий ва мутлоқ миқдорларида барча қиёсланаётган гуруҳлар орасида ишонарли фарқ кузатилмагани, IgM концентрацияси бўйича тафовут аниқланмагани, IgA ва IgG бўйича асосий гуруҳда назоратга нисбатан бирмунча фарқ аниқлангани ҳолда таққослаш гуруҳи параметрларидан амалий жиҳатдан тафовутланмагани иммун тизимининг В-бўғинига урологик касалликларнинг амалий жиҳатдан салбий таъсири йўқлигини кўрсатган ҳамда гуморал иммунитетга таъсир бўйича урологик касалликлар ўпка силига оғирлаштирувчи омил эмаслиги исботланган. Яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши (IL-10, TNF- α) цитокинлар концентрациясининг беморлар қон зардобида асосий гуруҳда назорат ва таққослаш гуруҳларига нисбатан кескин, ишонарли ошиши яллиғланиш жараёнининг кучайиб бораётгани ҳамда ўпка сили кечишини оғирлаштирувчи омил эканлиги исботлаб берилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Силга чалинган беморларда энг аҳамиятли урологик касалликлар тарқалиши ва даволаш ҳамда профилактика тадбирлари комплекси”** сил касаллиги билан оғриган беморларда сийдик тош касаллигининг тарқалиши ва даволаш-профилактика тадбирларининг тактикаси ўрганилганлиги келтирилган.

Сил касаллиги билан оғриган беморларни текшириш натижаларига кўра 18 нафарда сийдик йўлларида тошлар борлиги аниқланган ($1,9 \pm 0,2$). Эркакларда сийдик йўллари тошларининг тарқалиши 447 эркакда 11 ($2,5 \pm 0,3\%$) ҳолатни ташкил этган ва аёлларга нисбатан анча юқори бўлган,

489 аёлга 7 (1,4±0,2%) ҳолат (P<0,05). СТК касаллигининг энг юқори даражаси 61-70 ёшдаги беморлар гуруҳида - 38,9% гачани ташкил этган.

СТК сил касаллигининг деярли барча турларида учраган, аммо тошлар кўпинча инфилтратив ўпка сил касаллиги бўлган беморларда - бу ҳолатларнинг 27,8% гача кузатилган. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, СТК 16,7% ҳолларда СТС бўлган беморларда ҳам учраган (3-жадвал).

3-жадвал

СТК билан бирга кечадиган сил касаллиги клиник шакллари тузилиши

Сил касаллиги клиник шакли	СТК билан касалланганлар сони, n=18
Инфилтратив ўпка сил касаллиги	5 (27,8)
Ўчоқли ўпка сил касаллиги	2 (11,1)
Тарқатилган ўпка сил касаллиги	1 (5,5)
Фиброз-каверноз ўпка сил касаллиги	3 (16,7)
Цирротик ўпка сил касаллиги	1 (5,5)
Сил касаллиги плеврити	1 (5,6)
Суяк-бўғин сил касаллиги	2 (11,1)
СТС	3 (16,7)
Жами	18 (100)

Изоҳ: n - кузатувлар сони; % қавс ичида кўрсатилган

Беморларда ўлчамлари 7 мм гача бўлган тошлар 55,6% ҳолатда, 10 мм гача 22,2% ҳолатда, 10 дан 15 мм гача бўлган тошлар 22,2% ҳолатда аниқланган, бунда 18 беморда 21 та тош топилган. 15 (88,3%) беморда биттадан ва 3 та (11,7%) беморда кўплаб тошлар кузатилган. Тошлар буйрак косачаларида мавжудлиги 11 та (61,1%) ҳолатда, тосда 4 та (22,2%) ҳолатда, сийдик йўлида 5 та (27,7%) ҳолатда, сийдик пуфагида 1 та (5,5%) ҳолатда кузатилган. ПБХГ билан бирга кечадиган ва ўчоқли сил билан касалланган беморда сийдик пуфаги тоши кузатилган.

